



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2026 йил 2 апрель, № 63 (9234)

Пайшанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «БМТ ТУРИЗМ» РАҲБАРИ БИЛАН САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган «БМТ Туризм» бош котиби Шайха Носир Ал Новайсни қабул қилди.



Ўзбекистон ва БМТнинг ушбу ихтисослаштирилган муассасаси ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорлики янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Қарийб 12 миллион нафарга етгани алоҳида қайд этилди. 2030 йилга қадар уларнинг сонини 20 миллионга, туризмнинг мамлакатимиз ялли ички маҳсулотигадаги улушини эса 7 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бош Ассамблеясининг 2027 йилни Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МИЛЛИЙ ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒИ ИЛМ-ФАН, АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРНИ УЙҒУНЛАШТИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берди.

Дунёнинг экологик манзараси мурракблашиб бораётганига кўникаётганлар бор. Бу борадаги муаммоларни ҳал этишга ҳар томонлама ҳаракат қилаётганлар қанча. Бу йўналишдаги уринишларда халқнинг қадриятлари ва замонавий ёндашувлар уйғунлашса натижа кутилганидек бўлади.

Шу нуқтаи назардан, халқаро экспертлар Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини алоҳида эътироф этмоқда. Бу шунчаки кўчат экиш кампанияси эмас, балки келажак авлодлар учун муносиб яшаш муҳитини яратишга қаратилган стратегик дастурлигини таъкидлашпти.

Президентимизнинг жорий йил 25 мартда имзоланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур тизимни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади. Хужжат ҳудудларнинг нафақат манзарали қиёфасини, балки соғлом экологик ҳолатини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фармонга кўра, яқин истиқболда республиканинг барча ҳудудларидаги маълум майдонларда ботаника ва дендрология боғлари ташкил этилиши белгиланди. Бу ҳеч муболағасиз мамлакат экологик ҳаритасида туб бурилиш ясади. Бу каби ихтисослаштирилган боғлар шунчаки дам олиш маскани эмас, балки шаҳар ва қишлоқларимизда «табиий филтър» вазифасини ўтади.

Давлатимиз раҳбари «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирда нутқ сўзлар экан, халқимиз азал-азалдан Наврўз кунларида, ойлисида фарзанд туғилганда томорқасига, майдон ва хиёбонларга, йўл четларига яхши ният билан кўчат қадаб, гулу райхонлар эканини таъкидлади.

Ана шу эзгу қадриятлар замирида сўнги беш йилдан буюн «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилиб, ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиб келинмоқда.

Халқимиз таваққурида даррақт экиш оддий меҳнат жараёни эмас. Бу келажакка кўйилган маънавий имзо саналади. Бу билан «Яшидан боғ қолади» деган ибратли мақсад фарзандлар онига янада мустаҳкам жойлашади.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ана шу кўна қадриятларимизнинг замонавий ислохотлар билан қоришиб кетган бир кўриниши бўлмоқда. Ҳар бир экилган ниҳол табиатга яна бир умр баҳшида этади. Ҳар бир кўчат юртдошларимизнинг она заминга бўлган чекиси муҳаббати ва масъулияти ифодаси бўлади. Худудларда янги барпо этилаётган дендрология боғлари эса бу эзгу анъаналарни илмий асосда асрларга муҳрлайди.

Зеро, бугун заминга қадалган ҳар бир новда эртага юртимиз фаровонлиги, халқимиз саломатлигига хизмат қилади. Бу эса «Яшил макон» госянининг нафақат экологик, балки юксак инсонийлик ва маънавий аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўтган даврда 2 минг гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парклари, 47 та массивда «Янги Ўзбекистон боғлари» барпо этилди. Республиканинг тоғ, чўл ва адир ҳудудларида 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди. Оролнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда яшил қопламали химоя ўрмонзорлари яратилди. Шамол ва қум-чанг бўронлари зарарли таъсирининг олдини олиш мақсадида 33 та туманда 60 километрни «яшил белбоғ» ҳосил қилинди.

Ўтган йили Хўжайли, Янгибозор, Фихрудон, Балкичи ва Оҳангарон туманларида йилига 5,5 миллион туп

манзарали даррақт кўчатлари етиштириш имконини берадиган замонавий кўчатхоналар ишга туширилди. Шунингдек, чўлланишни камайитириш мақсадида Хитой тажрибаси асосида жорий йил илк бор Арнасой, Қорақул, Муборак, Кармана ва Нукус туманидаги 50 гектар майдонда сувсизликка чидамли галофит боғлари яратилди. Таъкидланганидек, бу ерда етиштирилган галофит уруғлари келгусида минглаб гектар ерларда шўрланишни камайитириш ва тупроқ умумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман, қисқа даврда республикада яшиллик даражаси 8 фоиздан 14,2 фоизга ошди. Ўтган ҳафта Президентимиз имзоланган янги фармонга мувофиқ, 2030 йилга қадар мамлакатимизда умумий яшиллик даражасини 30 фоизга, жон бошига тўғри келадиган яшил ҳудудларни 10 квадрат метрга етказиш бўйича катта марра белгиланди.

Шу мақсадда Сурхондарёда 10 минг гектарда «яшил макон», Сирдарёда 84 километрни «яшил девор» барпо этилади. Қорақалпоғистонда 1 миллион гектар, Навоий ва Бухорода 300 минг гектардан, Хоразмда 85 минг гектар чўл ҳудудида янги ўрмонзорлар яратилади. Шунингдек, вилоят ҳокимларининг ҳар бири камиди 100 гектар майдонда ботаника ва дендрология боғлари, 20 тадан соясалқин сайр кўчалари ташкил қилишга масъул бўлади.

Экология ва аҳоли саломатлиги энг долзарб масалага айланиб бораётган ҳозирги шароитда ҳудудга мос даррақ турларини танлаш ва экишда Халқаро молекуляр аллелология марказининг тавсиялари ҳам муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Сенат кўмитасида

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ДОИР МУҲИМ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида маҳаллий давлат ҳокимияти ва суд тизими билан боғлиқ қонунлар муҳокама қилинди.



Хусусан, сенаторлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқди.

Қонунга киритилаётган ўзгартиришлар маҳаллий Кенгашлар фаолиятида бошқарувни янада самарали ташкиллаштириш мақсадида Кенгаш раиси ўринбосари лавозимини ва Кенгаш Раёсати институтини жорий

қилиш зарурати билан изоҳланди. Бундан ташқари, қонун билан ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Кенгаш депутатлари саволларига жавобларини эшитиш бўйича «Кенгаш соати» институти жорий қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилмоқда.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик чораларини аниқлаштириш зарурати юзага келмоқда.



Парламент ҳаёти

ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ — АДОЛАТЛИ ҚАРОРЛАР КАФОЛАТИ

Бугун халқ вакилларининг масъулияти фақатгина сайлов жараёнлари ёки қонун ижодкорлиги билан чекланиб қолмайди.



Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 29 августдаги «Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорлиқни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори депутатлар зиммасига янги ва ўта масъулиятли вазифани юкледи. Бу овоз бериш жараёнида қарор қабул қилишда фақат аҳоли учун ҳаётий зарур ҳисобланган лойиҳаларни рўйбоқ чиқариш орқали ижтимоий адолатни қарор топтириш масаласидир.

Қайд этиш жоиз, мазкур қарорга асосан 2026 йил 1 январдан бошлаб Қонунчилик палатаси депутатлари республика бюджети маблағлари ҳисобига ҳар йили «Ташаббусли бюджет» жараёнлари доирасида тегишли сайлов округларида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан иккита лойиҳани (ҳар мавсумда биттадан) сайловчиларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда «Очiq бюджет» ахборот портали орқали танлаш ва лойиҳа депутат ташаббусига кўра ғолиб, деб эълон қилиниши белгиланган.

Порталда депутатлар ташаббуси асосида молиялаштирилмаган лойиҳалар учун алоҳида саҳифа шакллантирилиб, шу турдаги барча лойиҳаларнинг жамоатчилик учун очiq рўйхати юритилиши белгилаб қўйилган.



ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида олиб борилган тизимли ислохотлар натижасида ушбу субъектлар иқтисодий тизимнинг етакчи кучи — драйверига айланди.

Мулоҳаза

Хусусан, сўнги беш йилда бу соҳа иш ўрни, инвестиция, инновация, рақобат, қўшилган қиймат ва экспортни кўпайтиришга энг катта ҳисса қўшаётган йўналишлар каторидан ўрин олди. Уларнинг сафи кенгайиб, кичик ва ўрта тадбиркорлар сони икки қарра кўпайди. Банд аҳолининг қарийб 74 фоизи айнан шу соҳадан даромад топтомоқда. Кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши умумий даромадлар таркибининг 58 фоизига тенг бўлди.

биркорлик субъектларининг ялли ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 52,2 фоизни, ҳажми 923,5 трлн. сўмни ташкил этди. Уларнинг ЯИМдаги иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори улуши қишлоқ, ўрмон, балиқчилик ҳўжалигида 93,1, қурилиш соҳасида 76,6, хизматлар йўналишида 47,2 ва саноатда 28,5 фоизга етди.

Соҳани қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бизнес юритиш қондалари соддалаштирилиши ҳамда рақамли технологиялар омималашаётгани шаффоф тадбиркорлик муҳитини шакллантиришда ҳамда нақдсиз тўловлар учун қулай-

ликларни кенгайтиришда омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги тегишли фармони билан жорий йилга мўлжалланган устувор ислохотлар ва уларнинг ижросини ташкил қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган бу фармон мамлакатимизда тадбиркорликни янада раванқ топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда 2026 йилда 6,6 фоизли иқтисодий ўсиш орқали ялли ички маҳсулот ҳажминини 167 млрд. долларга етказиш, маҳаллаларда 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш орқали қўшимча 100 мингта янги иш ўрнини яратиш, камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сонини 3,5 мингга етказиш

кўзда тутилган. Шунингдек, 1 млн. нафар фуқарони доимий иш билан таъминлаш ва 263 минг оилани камбағалликдан чиқариш орқали камбағаллик даражасини 2,8 фоизгача ҳамда ишсизлик кўрсаткичинини 4,5 фоизгача тушириш чора-тадбирларини амалга ошириш режалаштирилган.

Фармонда иқтисодийта 50,4 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитларни яратиш, хизматлар бозори ҳажминини 100 млрд. доллардан ошириш чораларини қўриш ҳамда қурилиш ишлари ҳажминини 11 фоизга кўпайтириб, 30 млрд. долларга етказиш ва 4 млрд. АҚШ долларлик 3,5 мингдан зиёд янги хизмат кўрсатиш объектларини ишга туширилишини таъминлаш ҳам ўз аксини топган.



Сурур



НИҲОЛЛАР КУНДАН-КУН КЎРСАТМОҚДА БЎЙ, БУНДА ҲУҚМ СУРАР ТИНЧИЛИК, ЁРУГ ҲУЙ, НАФАСИ ҲУЗУРБАХШ, БЕТАҚРОР ХУШБЎЙ, БАҒИШЛАР ҚАЛБЛАРГА СЎНМАС СУРУРКИ, БУ ЮРТ ШУНДАЙ ГУЛУ РАЙҲОНЛАР ЮРТИ!

Ниҳоллар кундан-кун кўрсатмоқда бўй, Бунда ҳуқм сура р тинчилик, ёруғ ҳуЙ, Нафаси ҳузурбахш, бетакрор хушбўй, Бағишлар қалбларга сўнмас сурурки, Бу юрт шундай гулу райхонлар юрти!

Аждодлар сабоғин олган ҳар чаман, Ҳар чинор, ҳар терак, ҳар бир ёсуман, Бугун бўлмиш ахир муаззам Ватан, Улуғвор мақсадлар бошлаган йўлки, Бу юрт шундай гулу райхонлар юрти!

Яшил — яшнамоғу яшамоқ рамзи, Яшилликка тўлди ўлкам ҳар фасли, Бу саодат асри, эзгулик асри,

Бағридан ҳамиша бахт таратгувчи, Гўзаллиги ила дил қаратгувчи, Яхшилар сафида боғ яратгувчи,

Кўкларнинг ишқиди мавжланар ҳар ёк, Орзуси мусаффо, толеи порлоқ, Янги Ўзбекистон боғларига боқ, Чиройга тўлишиб борар ҳар йилки, Бу юрт шундай гулу райхонлар юрти!

Бир тарафда водий, воҳа бир тараф, Борадир нурафшон манзилга қараб, Яшайди хурлигин гул мисол асраб, Ҳар бир гўшасида яйрағай элки, Бу юрт шундай гулу райхонлар юрти!

Элим, огоҳ айлаб башариятни, Чорла яхшиликка, покла ниятни, Унутмасин токи бу қадриятни:

Ҳар новда — келажак, бугундан улги, Бу юрт шундай гулу райхонлар юрти!

Гулламоқ бахтидан севинган Орол, Тўлади боғларга, очади жамол, Кўксига қадалган ҳар битта ниҳол,

Ўткир РАҲМАТ.

МИЛЛИЙ ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒИ ИЛМ-ФАН, АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРНИ УЙҒУНЛАШТИРАДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Жорий йилдан ҳар бир ҳудудда “яшил” техникумлар фаолияти йўлга қўйилиб, дуал таълим асосида йилга 10 минг нафар мутахассис тайёрлаш бошланади. Ботаника ва дендрология учун яшил шубҳа техникум ўқувчилари учун амалиёт базасига, илмий ходимлар учун эса тадқиқот майдонига айланади.

Президентимиз ҳудудларда яшил боғлар яратиш бўйича аҳоли ва депутатлар иштирокини янада кенгайтиришни тақдир қилди. Илгари “Менинг боғим” дастури доирасида ҳар бир лойиҳага бюджетдан 250 мил-

лион сўмгача маблаг берилган бўлса, энди бу миқдор 400 миллион сўмга оширилади. Ҳар бир яшил боғ ва жомат парки учун аҳоли ўзи танлаган, яшаш ҳудудларига яқин ва энг муҳими, сув таъминоти мавжуд жойлардан 1 гектаргача ер ажратилади. Бу йилги мавсумдан Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутати ҳам ўз округида яшил ҳудуд ва яшил боғ яратиши учун 412 миллион сўмдан маблаг берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизда “Яшидан боғ қолади”, “Бир кўчат — минг барака”, “Фарзанд кўрсанг, тўй қилсанг, дарахт эк” деган ҳикматли сўзлар бежиз айтилмаганини таъкид-

лади. Бу каби миллий қадриятларнинг аҳамияти бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан Президентимиз маҳалла раислари, отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар вакиллари ҳамда барча фаолларни жойларда миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларни янада кенгроқ тарғиб қилишга, клублар ва жамоалар ташкил этиб, ҳар бир кўча, хонадон, йўл бўйларига ниҳол ва гуллар, қир-адирларга дарахт ва буталар экишда бош бўлишга чақирди.

Пойтахтмида 108 гектар майдонда Миллий дендрология боғи ташкил-

қилинмоқда. Бу ердаги “Яшил” университет ҳудудида “илм — лойиҳа — амалиёт” занжири асосида барпо этилаётган “in vitro” лабораторияси, доривор ўсимликлар ҳамда уруғчилик ва селекция марказлари ҳам шу йилнинг ўзида ишга туширилади.

Ушбу мажмуалар нафақат кўчат етиштириш маскани, балки мамлакатимизнинг экологик келажagini илмий асосда лойиҳалаштиришга табиий масканга айланади. Келгусида бу ерда етиштириладиган ниҳоллар табиатнинг турли инжиқликларига ва сувсизликка чидамлиги билан ажралиб туради. Боғ яна маҳаллий иқлимга мос, кам сув талаб қиладиган ноёб дарахт тур-

ларини кўпайтиришга ҳам хизмат қиладди. Бу эса лойиҳанинг шунчаки миқдор эмас, балки сифат ва илмий асосланганлик тамойили асосида йўлга қўйилганлигини англатади.

Президентимиз тадбирда иштирок этган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўрмонлар бўйича форуми раиси Исмоил Белен, форум Котибияти директори Жульет Биао, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари ҳамда барча иштирокчиларга самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбир якунида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокчилар билан бирга Миллий дендрология боғининг

илк 5 гектар майдонида манзарали кўчатлар экти. Бу билан бир вақтда республикамизнинг барча ҳудудларида 21 мингга яқин юртдошларимиз яна 164 гектар майдонда 88 минг туп кўчат ўтказди.

Бугун кўчатларга меҳр билан сув қуяётган отахонлар, боғ яратишни ҳаётий эҳтиёжга айланган ёшлар ва давлат томонидан кўрсатилган юксак эътибор муштарак мақсад йўлида бирлашди. Халқимиз бу эзгу ҳаракат тез орада натижа беришига ишонади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АБВАЛБЕКОВ, Ўза Мухбирлари.

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ДОИР МУҲИМ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Қонун билан тегишли кодексларга суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини аниқлаштирувчи ўзгариш, суд босқисига тартибни бузиш тарзида судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилувчи қўшимча киритилмоқда.

Йиғилишда сенаторлар “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида”ги қонунни ҳам муҳокама қилди.

Бугунги кунда судьялар ва суд аппарати ходимларининг моддий таъминоти, судлар фаолиятини моддий-техника ҳамда молиявий жиҳатдан таъминлаш учун харажатлар бўйича айрим муаммолар юзга келмоқда.

Қонунда суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий принциплари, молиялаштириш манбаси ва асоси, маблагларни тақсимлаш ҳамда тасарруф этиш, шунингдек, суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ва бошқа қатор масалалар назарда тутилган.

Мажлисда 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни тўғрисидаги миллий маъруза ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб берилган ислохотлар натижасида қатор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди.

Жумладан, Ҳуқуқ устуворлиги индексида Ўзбекистон ўз рейтингини 2 поғонага яхшилаб, 81-ўринга кўтарилган. Шу билан бирга, Индекс таркибидagi 8 та индикатордан 2 тасида кўрсаткичлар бироз пасайган.

Ҳокимият органлари ваколатларининг чекланганлиги индикаторида Ўзбекистон 114-ўринни, Коррупциянинг мавжуд эмаслиги индикаторида эса 67-ўринни, Ҳокимият институтларининг очиқлиги индикаторида 120-ўринни эгаллаган бўлса, Қонунларга риоя этиш индикаторида 100-ўринни банд қилган.

Мажлис давомида устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, пасайиш кузатилган ҳамда ўзгаришсиз қолаётган халқаро рейтинглар ва уларнинг таркибий индикаторларидан келиб чиқиб, ислохотларни жаддалаштириш зарурлиги қайд этилди.

Сенаторлар мажлисида 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга қаратилган амалий чора-тадбирлар дастурларининг ижро ҳолатини ҳам кўриб чиқди.

Муҳокама чоғида сенаторлар, масъул вазирилик ва идоралар вакиллари томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ — АДОЛАТЛИ ҚАРОРЛАР КАФОЛАТИ

Шунингдек, Қонунчилик палатасида мазкур жараёнларни мувофиқлаштириш, лойиҳаларнинг молиялаштирилиши ва амалга оширилиши устидан парламент назоратини олиб бориш учун депутатлардан иборат Парламент комиссияси тuzилган. Мазкур комиссия фаолияти “Ташаббусли бюджет” жараёнларини тўғри ташкил этишга қаратилган бўлиб, очиқлик ва шаффофлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

“Ташаббусли бюджет” жараёни бир йилда икки марта — февраль-март (биринчи мавсум) ва июнь-июль (иккинчи мавсум)

ойлари давомида ўтказилиши белгиланган.

Депутатлар жорий йилнинг 23 — 28 март кунлари ҳудудларда, ўз сайлов округларида бўлиб, “Ташаббусли бюджет” жараёнларида голиб бўлмаган лойиҳалар билан танишиб, маҳаллар аҳолиси билан учрашиб, мулоқотлар ўтказди.

Биринчи мавсумда голиб бўлмаган ҳар бир лойиҳа чуқур ўрганилиб, унинг зарурати баҳоланди. Натижада умумий миқдори 238,9 млрд сўм бўлган қарийб 150 та лойиҳа депутатлар ташаббусига кўра голиб, деб топилди. Албатта, бу, ўз навбатида, ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда катта имконият яратди.

Инсон манфаатлари — олий қадрият

Робохон МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi «Адолат» СДП фракцияси раҳбари:

Президентимизнинг 2025 йил 29 августдаги қарори “Ташаббусли бюджет” жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Албатта, ушбу жараёнда фракциямиз ҳамда партияимизнинг Марказий ва ҳудудий кенгашлари вакилларидан тuzилган ишчи гуруҳимиз билан фаол иштирок этган ҳолда, Фарғона вилоятида ўрганишлар олиб бордик.

Айтиш жоизки, Фарғона туманидаги Гулпиён маҳалласи ўзига хос ҳудуд. Қирғизистон билан чегарадош бўлган бу мақсадда ўзбек, қирғиз ва тоjik миллатига

мансуб ватандошларимиз асрлар давомида аҳил-иноқ яшаб келишмоқда. Бироқ бу ердаги инфратузилма аҳоли бугунги давр талабларига тўлақонли жавоб бермайди.

Маҳалла аҳли ички йўллари асфальтлаштириш учун “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига 1 млрд. 647 млн. сўмлик тақдир қилган эди. Аммо аҳоли етарли овоз тўплай олмаган ва лойиҳа голиблар қаторидан жой олмади. Натижада ҳудуддаги 50 ва 36-умумтаълим мактабларига қатнайдиغان юзлаб ўқувчи-

лар ҳамон чанг ва лой кўчалардан юришга мажбур бўлаётган эди. Уч километрдиги ички йўлнинг абгор ҳолати нафақат транспорт ҳаракатига, балки аҳоли қайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани бор гап.

Маҳалла аҳли билан учрашувимизда аҳоли манфаатидан келиб чиқиб иш тутдик. Зеро, чегарадош ҳудудларда яшовчи аҳолига муносиб шароит яратиш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва болаларнинг мактабга ҳавфсиз боришини таъминлаш устувор вазифалардан биридир.

Биз учун голиб бўлмаган лойиҳа дегани — муаммони эътиборсиз қолдириш дегани эмас. Аксинча, бундай ҳудудлар бизнинг диққат марказимизда бўлиши керак. Айниқса, 2026 йил — Ма-



Робохон МАҲМУДОВА

ҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида ҳар бир кўчанинг ободлиги жамият юксалишининг кафолатидир.

Ўрганишларимиз доирасида жойига бориб, мавжуд ҳолатни ҳар жиҳатдан таҳлил қилдик. Яратилган имкониятдан келиб чиқиб, “Гулпиён” МФЙ ҳудудидаги ички йўллари таъмирлаш ва асфальтлаштириш ишларини молиялаштириш бўйича ташаббусни қўллаб-қувватладик. Энди мазкур лойиҳа амалга оширилди.

Маҳалла йўлларининг раван бўлиши — мамлакатимизда олиб борилаётган “Инсон қадрини” тамойилидаги ислохотларнинг амалий натижасидир. Бу нафақат йўл қурилиши, балки чегарадош қардошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий салохиятини ошириш сари ташланган муҳим қадам бўлди.

Муҳим лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда масъуллик

Максудбек ҚУРБОНБЕКОВ, Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари:

Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқаролар нафақат кузатувчи, балки бюджет тақсимида жараёнининг бевосита иштирокчисига айланмоқда. “Очиқ бюджет” портали орқали аҳоли томонидан илгари сурилган лойиҳалар очиқ овоз бериш воситасида сараланади. Энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар голиб, деб топилди, молиялаштирилади. Бу жараёнда адолат, тенглик ва ошқоралиқ устувор тамойил сифатида хизмат қилмоқда.

Айниқса, голибларни аниқлашнинг рақамлаштирилган тизими инсон омилини кескин камайтириб, қарор қабул қилиш жараёнини холис ва шаффоф тарзда амалга ошириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, айрим ҳолатларда жуда муҳим ва долзарб лойиҳалар етарли овоз тўплай олмагани сабабли голибликка эриша олмапти. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан янги механизм — депутатлар иштироки жорий этилган эътиборга молик.

Жорий йилнинг март ойида

сайлов округларидаги фаолиятимиз давомида мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратдик. Шу билан бирга, овоз бериш натижасида голиб бўлмаган қолган ҳар бир лойиҳани жойига қилиб, атрофича ўрганидик. Жумладан, Янгиерк туманидаги қатор лойиҳалар таҳлил қилинди.

Ўрганишлар натижасида туманининг Чакир маҳалласида жойлашган “Оқ мачит” канали устидagi кўприкни таъмирлаш лойиҳаси 79 та овоз тўплагани аниқланди. Бироқ ушбу кўприк кўп йиллардан буён аҳолига хизмат қилиб

келаётгани, айни пайтда унинг ҳолати анча ёмонлашгани инобатга олинди.

Шу муносабат билан депутат ташаббуси асосида мазкур лойиҳа қўшимча равишда голиб деб топилди, кўприкни таъмирлаш ишлари учун 1 млрд. 648 млн. сўм маблаг ажратилиши белгиланди.

Қолаверса, бугунги кунда “Очиқ бюджет” орқали мактаблар таъмирланмоқда, йўллар қурилмоқда, ичимлик суви ва электр таъминоти яхшиланимоқда. Бу эса тизимнинг амалдаги самарадорлигини яққол намоён этмоқда.

“Очиқ бюджет” ва “Депутатлар ташаббуси” — бу халқ иродаси акс этадиган, адолатли қарорлар қабул қилинадиган ва жамият ишончини мустаҳкамлайдиган замонавий демократик механизм.

енгиликлар яратадиган йўл ҳисобланади. Ташаббуси билан қўллаб-қувватланган лойиҳа тўғрисида мазкур йўл ёқасида янги хизмат кўрсатиш шохобчалари ва дала дўконлари фаолияти йўлга қўйилди. Маҳаллада етиштириладиган асосий маҳсулот — мош учун янги логистика имконияти очилди. Йўл бўйида замонавий мош саралаш ва қадоклаш цехлари қурилиши учун тадбиркорларда қизиқиш уйғонди. Бу эса маҳсулотни тўғридан-тўғри даланнинг ўзидан экспортга чиқариш имконини беради.

Шу билан бирга, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши тез тиббий ёрдам ва бошқа факулда хизмат машиналарининг маҳаллага ўз вақтида етиб келиши ҳамда туман марказий шифохонасига беморларни ўз вақтида етказилишига ҳам хизмат қилди.

Булоқбоши қўчасининг асфальтланиши — Бешсерка маҳалласини “огир” ҳудуд тоифасидан чиқариб, янги замонавий қиёфага келтиришда аҳолининг республикамизда амалга оширилаётган ортага қайтмас ислохотларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

кучаймоқда. Шубҳасиз, бу парламент фаолиятида янги ва самарали босқич, десак, муболага бўлмайди. Негаки, сайлов округларидаги муаммоларни ҳал этишда “Ташаббусли бюджет” жараёнлари муҳим механизмдир. Бу орқали аҳолининг кундалик ҳаётига ва ҳудудни ривожлантиришга бевосита таъсир қиладиган лойиҳалар қўллаб-қувватланади. Пировавчида аҳоли фаровонлиги, юртимиз барқарорлиги таъминланади.

«Халқ сўзи».

Йиғилиш Фаолият таҳлили ва конструктив тақлифлар

Кеча Олий Мажлис Сенати Маҳаллий ҳокимият вакиллари органлари фаолиятини кучайтиришга қўмақлашувчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Самарқанд вилоятларида маҳаллий Кенгашларнинг жиноятчиликка қарши курашини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга ошираётган ишлари натижалари муҳокама қилинди.

Кун тартиби доирасида мутасаддилар томонидан ўрганишлар давомида аниқланган ҳолатлар ҳақида ахборот тақдим этилиб, маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги айрим камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тақлифлар берилди ва депутатларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари тингланди.

Шунингдек, жорий йил биринчи чораги давомида депутатлар томонидан юборилган сўровлар, уларга берилган жавоблар ҳамда интизомий чоралар амалиёти ҳам кўриб чиқилди.

Амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда таҳлил натижалари кўрсатишича, айрим депутат сўровларига тўлиқ жавоб берилмапти. Шу билан бирга, оддий муурожаатларни депутат сўрови сифатида расмийлаштириш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Шу муносабат билан депутатлардан сўров юборишда белгиланган тартиб ва талабларга қатъий риоя қилиш, уларнинг сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш босқисига амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, “E-Kengash” ахборот тизими босқичма-босқич жорий қилиниб, ҳужжат айланмаси, депутат сўровлари ва муурожаатлар билан ишлаш жараёнлари электрон шаклга ўтказилгани қайд этилди. Тизим орқали қарор қабул қилиш жараёнлари янада соддалаштирилмоқда.

Яқунда комиссия аъзолари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Эътиборлиси, юртимизда 2030 йилга бориб иқтисодиётимиз ҳажмини 240 млрд. доллардан ошириш, бу даврда кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини 60 фоизга етказиш мақсад қилинган. 2026 йилда тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларига 10 трлн. сўмдан зиёд маблаг, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун эса 140 трлн. сўмлик ресурс ажратилиш ҳамда асосий солиқ ставкаларини ўзгаришсиз қолдириш каби режалар бу йилдаги қатъий қадамлардир.

Ушбу мақсадларнинг дебосчаси сифатида 2026 йилда “маҳаллада санаот ва хизмат” лойиҳаси орқали 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш учун 5 трлн. сўм кредит маблаглари йўналтирилади. Энг муҳими, кредит фонзининг миллий валютада 10 фоизгача, хорижий валютада 4 фоизгача бўлган қисми “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан қўллаб берилди. Бунинг учун 400 млрд. сўм маблаглар ажратилади.

Албатта, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали уларни даромадли қиладиган, ишчан, элда маъмурилик яратадиган тадбиркорлик субъектларига қанча кўп имконият ва қўлайликлар яратилса, ишлаб чиқариш кўлами ҳам, маҳсулот ҳажми ва сифати ҳам шунча ошади. Асосийси, бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, соҳани ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.



Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

Хамкорлик ОЛИМЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ҚАТНАШАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўртасида хамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Меморандум доирасида университет олимларини қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда илмий экспертизадан ўтказишга жалб этиш, қонунчилик ташаббусларини илмий асослаш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва замонавий амалдашувларни жорий этиш назарда тутилган.

Шунингдек, илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш, долзарб масалалар юзасидан қўшма тадбирлар ўтказиш, парламент эшитувлари ва комиссия мажлисларида экспертлар иштирокини таъминлаш режалаштирилган.

Таъкидланганидек, мазкур хамкорлик қонун ижодкорлигини янада самарали ташкил этишга хизмат қилувчи доимий хамкорлик платформасига айланади.

«Халқ сўзи».

Фуркат ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи:



Фуркат ХУДОЙБЕРДИЕВ

Президентимизнинг қарорига кўра, “Ташаббусли бюджет” жараёнларида депутатларнинг амалий иштироки ортганидан биз, маҳалла тизими вакиллари жуда мамнунмиз. Халқ ишончи —

Дахлдорлик ҳисси

Президентимиз ташаббуси ва қарорига кўра, яқинда ҳудудларда бўлган халқ вакиллари ўз сайлов округларида аҳоли учун долзарб бўлган, аммо аввал голиб бўлмаган лойиҳаларни танлаб, “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали уларни молиялаштириш имкониятига эга бўлаётгани халқимизнинг уларга ишончини мустаҳкамламоқда. Энг муҳими, депутатларнинг ўз электорати билан хамкорлиги

О‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLIKlARI, HOKIMLIKlARI, AKSIYADORLIK JAMIYATLARI, BANKLAR, BARCHA TA‘LIM MUASSASALARI, TASHKILOTLAR VA QO‘SHMA KORXONALAR RAHBARLARI DIQQATIGA!

ISLOM KARIMOV NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT TEXNIKA UNIVERSITETI

2025/2026 o‘quv yilida bakalvriat ta‘lim yo‘nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo‘yicha bitiruvchilarning intellektual salohiyatidan unumli foydalanish va ish bilan ta‘minlashga ko‘maklashish maqsadida ishga taqsimlash jarayoni boshlanganligini xabar qiladi. 2026-yil 10-aprel kuni o‘tkaziladigan «Karyera kuni» mehnat yarmarkasi tadbiriga taklif etamiz.

Shu munosabat bilan bitiruvchi yosh rahbarlik qilayotgan korxonaga, tashkilot va muassasada ehtiyoj mavjud bo‘lsa, talabnomaga va so‘rov xati bilan hamda taklif etilayotgan lavozim to‘g‘risida ma‘lumotlar bilan murojaat etishingizni so‘raymiz. Universitetni bitirayotgan O‘zbekiston Respublikasi viloyatlari va Toshkent shahridan bo‘lgan malakali yosh mutaxassislar haqidagi ma‘lumotni quyidagi jadvalda sizning e‘tiboringizga havola etamiz.

BAKALAVRIAT

№	Shifr	Ta‘lim yo‘nalishlari nomi	Bitiruvchilarning umumiy soni	Shu jumladan, viloyatlar bo‘yicha																																
				Qoraqalpog‘iston Respublikasi		Andijon viloyati		Buxoro viloyati		Jizzax viloyati		Navoiy viloyati		Nuriston viloyati		Samarqand viloyati		Surxon viloyati		Sirdaryo viloyati		Toshkent viloyati		Farg‘ona viloyati		Xorazm viloyati		Qashqadaryo viloyati		Toshkent shahri		Boshqa davlatlar				
1	2	3	4	5		6		7		8		9		10		11		12		13		14		15		16		17		18		19				
			jami	G*	Sh**	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh	G	Sh					
1	60112400	Professional ta‘lim (yo‘nalishlar bo‘yicha)	17	3	14	1	3																													
2	60112400	Professional ta‘lim: Mexatronika va robototexnika	10	3	7																															
3	60210402	Dizayn (sanoat dizayni)	35	12	23			1	1																											
4	60410100	Iqtisodiyot	34	18	16					1																										
5	60310100	Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo‘yicha)	58	16	42					3																										
6	60410800	Menegment	12	6	6																															
7	60411200	Menegment (sanoat korxonalarida innovatsion loyihalar boshqaruvi)	34	7	27			1																												
8	60411600	Korporativ boshqaruv	42	3	39																															
9	60710500	Energetika (tarmoqlar bo‘yicha)	194	68	126			6	10	1	2	5	12			3	6	14	2	2	4	5	4	7	3	6	9	20	3	5	3	3	8	22	14	15
10	60710600	Elektr energetikasi (tarmoqlar va yo‘nalishlar bo‘yicha)	182	44	138			1	6	1	1	3	4			5	4	11	14	4	13	2	6	5	15	2	8	1	3	11	32	7	14			
11	60712100	Metallurgiya	70	13	57																															
12	60712400	Avtomobilsozlik va traktorsozlik	53	12	41																															
13	60712500	Transport vositalari muhandisligi (turlari bo‘yicha)	111	16	95			3	5	3	3	7																								
14	60710700	Elektr texnikasi, elektr mexanikasi va elektr texnologiyalari (tarmoqlar bo‘yicha)	77	34	43			1	1	1	4	3				3	4	6	7	1	1	2	1	8	3	2	2	8		1	4	5	3	2	4	
15	60711200	Elektronika va asbosozlik (tarmoqlar bo‘yicha)	44	13	31			1	1	4	1	1				2	1																			
16	60711300	Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menegmenti (tarmoqlar bo‘yicha)	41	13	28			1			2																									
17	60711400	Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish (tarmoqlar bo‘yicha)	89	32	57			2	2			3	3			1	10	8																		
18	60710600	Gidroenergetika	28	8	20			1	1																											
19	60722500	Geodeziya, kartografiya va kadastr (funksiyalari bo‘yicha)	49	14	35			1		2	2																									
20	60721500	Konchilik ishi (faoliyat turlari bo‘yicha)	100	34	66																															
21	60721700	Foydali qazilma konlari geologiyasi, qidiruv va razvedkasi (kon turlari bo‘yicha)	79	23	56			2			1	5	4	1	2	3	7	2	2	2	3	11	2	6												
22	60720600	Foydali qazilma konlari geologiyasi, qidiruv va razvedkasi (neft va gaz konlari)	19	9	10			1																												
23	60721700	Gidrogeologiya va muhandislik geologiyasi	32	11	21			2																												
24	60721800	Neft va gaz ishi (neft va gaz konlarini ishga tushirish va ulardan foydalanish)	124	30	94			3	6	5	8	2	5	1	2	1	3	1	2	1	4	1	1	2												
25	60710900	Energiya tejamlorligi va energosauditi	48	15	33																															
26	60721900	Konchilik elektr mexanikasi	19	8	11																															
27	60722000	Markshayderlik ishi	34	11	23																															
28	60711000	Muqobil energiya manbalari (turlari bo‘yicha)	17	8	9			1	1																											
29	60711100	Energiya mashinasozligi (tarmoqlar bo‘yicha)	21	6	15			1	1																											
30	60711500	Mexatronika va robototexnika	26	6	20																															
31	60711600	Intellektual muhandislik tizimlari (tarmoqlar va sohalar bo‘yicha)	6	3	3																															
32	60711700	Lazer-yorug‘lik texnologiyalari va optoelektronika	19	10	9																															
33	60711800	Biobiyot muhandisligi	26	10	16																															
34	60713000	Gaz jihozlaridan foydalanish va ularga xizmat ko‘rsatish	29	9	20			1	8	1	1																									
35	60712200	Payvandlash texnologiyasi va jihozlari	31	11	20			2	2																											
36	60720600	Materiallasozlik va yangi materiallar texnologiyasi (tarmoqlar bo‘yicha)	29	8	21																															
37	60720800	Mashinasozlik texnologiyasi, mashinasozlik ishlab chiqarishini jihozlash va avtomatlashtirish	63	18	45			1																												
38	60720700	Texnologik mashinalar va jihozlar (tarmoqlar bo‘yicha)	145	34	111			4	5																											
39	60710200	Biotehnologiya	36	9	27			1																												
40	60720900	Neft-gaz-kimyo sanoati texnologiyasi	41	9	32			3	5	1	2	1	1																							
41	60712000	Elektron apparatlar ishlab chiqarish texnologiyasi	16	5	11																															
42	60712300	Metallar texnologiyalari (jarayon turlari bo‘yicha)	122	48	74			2	4	2	3	3																								
43	60610200	Axborot tizimlari va texnologiyalari (tarmoqlar va sohalar bo‘yicha)	42	12	30																															
44	60730300	Qurilish muhandisligi (neft-gazni qayta ishlash sanoati obyektlari qurilishi)	34	6	28			1	2																											
45	60610700	Sun‘iy intellekt	27	6	21																															
46	60611500	Radioelektron qurilmalar va tizimlar (tarmoqlar bo‘yicha)	33	9	24			1	3																											
47	60710400	Biologiya va atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo‘yicha)	34	7																																

Янги Ўзбекистонда олий таълим:

ИСЛОҲОТЛАР, ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда олий таълим тизимини модернизация қилиш жараёни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Янги Ўзбекистонни раванг топтириш йўлидаги дастлабки ва энг муҳим ўзгаришлар айнан таълим, хусусан, олий таълим тизимидан бошлангани бежиз эмас. Зеро, замонавий билим ва малакага эга кадрларни тайёрлаш ҳар қандай тараққиётнинг пойдевори ҳисобланади.

Нуктаи назар

Самарали ҳуқуқий асослар

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу жараёнинг бошланғич нуктаси бўлди. Мазкур ҳужжат асосида олийгоҳлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини модернизация қилиш ва профессор-ўқитувчилар таркибини сифат жиҳатдан янгилаш чоралари белгиланди. 2019 йил 8 октябрда эса давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Мазкур концепция соҳанинг узоқ муددатли стратегик ривожланиш моделини белгилаб берди. Унга қўра, 2030 йилга қадар олий таълим билан камров даражасини 50 фоиздан ошириш, қаммада 10 та олий таълим муассасасини халқаро рейтингларнинг "ТОП — 1000" талигига киритиш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини кескин ошириш вазифалари қўйилди.



лар билан қўшма дастурлар йўлга қўйилди. Икки дипломли дастурлар сони ортиб, талабалар учун глобал таълим имкониятлари яратилди. Ўзбекистон бугунги кунда глобал академик маконнинг фаол иштирокчисига айланиб, юзлаб халқаро конференциялар, илмий форумлар ўтказилди ва академик алмашинув дастурларига асос солинди. Хусусан, олим ва тадқиқотчиларимизнинг халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалари сони бир неча баробар ошди. Бу жараёнлар Ўзбекистон олий таълим тизимининг глобал илмий ҳамжамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Эндиликда олий ўқув муассасалари нафақат билим берувчи, балки инновация яратувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи ва жамиятни модернизация қилувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Буларнинг самарадорлиги қуруқ статистика ва балансларвоз гаплар билан эмас, балки замонавий илм-фан таҳлили асосида халқаро баҳолаш тизимлари орқали ўлчанади. Рейтингда қўра юқори ўрин эгаллаган университетлар глобал илмий ҳамжамиятда тан олинади, хорижий талабалар ва инвестицияларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларга кириб бораётгани тизимнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Охириги 5 йилда Ўзбекистон олийгоҳларининг 10 дан ортиги турли халқаро рейтингларда ўз ўрнини эгаллаш бошлагани сўзимизнинг амалий тасдиғидир.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон

Миллий университетини кўрсатиш мумкин. Университет сўнгги йилларда математика ва физика йўналишлари бўйича халқаро рейтингларга киришга муваффақ бўлди. 2026 йил 25 март кунини олий ўқув юрти 4 та фан йўналишида дунёнинг энг кучли "ТОП — 500" университетлари қаторидан жой олди. Халқаро рейтинг натижаларига қўра, археология йўналиши 201 — 260 ўрин, математика йўналишида 100 поғона юқорига кўтарилди, 301 — 350 ўрин, лингвистика бўйича илк бор дунёнинг кучли 301 — 350 университетлари қаторидан жой олди. Физика ва астрономия йўналишида эса аввалгига нисбатан 200 поғона юқорилаб 401 — 450 ўринни эгаллади.

Замонавий талабар билан уйғунлик

Ўзбекистон Миллий университетиде илк бор 1940 йилда тарих факультети таркибиде махсус Ўрта Осиё археоло-

монидан АҚШнинг Хофстра университети вакили ҳамда талабалар иштирокида Қашқадарё вилоятининг Ерқўрғон ёдгорлигига халқаро археологик экспедиция ташкил қилиниб, Ерқўрғон шаҳрига оид мейморий иншоот девори очиб аниқлангани ёш кадрлардаги илмга чанқоқлик руҳини янада кўтарди.

2019 йил 23 июлда Испаниянинг Автоном Мадрид университети ва Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети ўртасида 21 йиллик ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Бу бўйича Автоном Мадрид университетидан таълим профессорлари талабаларга ҳар ўқув йилида маъруза ўқиб келмоқда. Бундан ташқари, кафедра ўқитувчилари Испаниянинг айрим илмий нашрларида тадқиқотларини чоп эттирмоқда.

2022 йилда эса ЎЗМУ ва Франциянинг Париж шаҳрида жойлашган Лувр музейи ўртасида ўзаро илмий тадқи-

Санасак, қилинаётган ишлари эришилаётган ютуқлар жуда кўп. Ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртилари билан халқаро алоқалар доирасида соҳанинг хорижлик таниқли олимлари факультетга келиб, талабаларга маърузалар ўқимоқда. Бу эса талабаларни хорижий таълим билан таништириш ва уларга энг замонавий маълумотларни етказиш имкониятини берапти. Айни пайтда, факультет профессор-ўқитувчиларининг аксарияти халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаган олий таълим муассасаларида маъруза машғулотларини олиб бормоқда.

Таҳлил ва хулосалар шуни кўрсатадики...

Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистонда олий таълим тизими тубдан янгиланди. Қўнунчилик базаси мустаҳкамланди, таълим муассасалари сони ва сифати ошди, бошқарув ва молиялаштириш механизми модернизация қилинди. Энг муҳими, ушбу ислохотлар натижа-сида олий таълим ёпиқ тизимдан очик, рақобатбардор ва халқаро майдонга интеграциялашган тизимга айланди. Эндиликда асосий вазифа — ушбу натижаларни мустаҳкамлаш, таълим сифатини янада ошириш ва инновацион ривожланишни таъминлашдан иборат.

Шубҳасиз, Янги Ўзбекистон ривожиде олий таълим тизими ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки жамият таълим келажакни белгилайдиган энг муҳим омилдир.

Соҳада олиб борилаётган тизимли ишлардан мақсад — давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ташаббускор ишловчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юртакдаган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаш". Бизнинг вазифамиз эса ушбу олий мақсад ижросида камарбасти бўлиш. Зеро, бугунги кунда таълимга қаратилган эътибор эртанги кун тараққиётининг энг муҳим кафолатидир.

Алишер МҲМИНОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети декани, сиёсий фанлар доктори, профессор.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларга кириб бораётгани тизимнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Охириги 5 йилда Ўзбекистон олийгоҳларининг 10 дан ортиги турли халқаро рейтингларда ўз ўрнини эгаллаш бошлагани сўзимизнинг амалий тасдиғидир.

гияси кафедраси ташкил этилганидан бери ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаб келинмоқда. Утган 85 йилдан зиёд вақт давомида кафедрадан 7 нафар академик, 1 фан ароби этишиб чиқди. Кафедра ўз даврида бутун Марказий Осиё учун археолог кадрларни тайёрловчи ягона илмий муассаса сифатида хизмат қилди.

Сўнгги 8 йилда археология йўналишида кадрлар тайёрлаш жараёни замонавий талабар билан уйғунлаштирилди, халқаро даражада кўтариш учун қатор янгиликлар амалга оширилди. Хусусан, асосий эътибор хорижий ҳамкорлар ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ишлашга қаратилди. Жумла-дан, 2018 йилнинг 16 мартидан 30 мартгача тарих факультети Археология кафедраси профессор-ўқитувчилари то-

қотлар олиб бориш мақсадида халқаро шартнома имзоланди. Мазкур ҳужжатда мувофиқ 2022 йил Лувр музейиде ташкил этилган "Ўзбекистон воҳалари хазиналари. Карвон йўллари чорраҳасида" номли кўргазмада катнашилди. Ушбу кўргазмада Ўзбекистон Миллий университети ўқув кабинети музейиде сақланаётган VII-VIII асрларга мансуб Хирмонтепадан топилган Оссурый (сопол тобутча) ўрин олди.

2023 йил 14 март кунини Франциянинг Лион 2 университети билан ўзаро ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида халқаро шартнома имзоланди. Мазкур олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятидаги Бургутқалъа ёдгорлигиде талабалар иштирокида археологик илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Кўклам нафаси

АНДИЖОНДА ПАВЛОВНИЯ ГУЛЛАДИ

Андижон вилоятида айни кунларда павловния дараклари кийгос гуллаб, баҳорнинг ажиб жамолини намоён этмоқда. Эътиборлиси, кўк ва бинафша тусга яқин кўнграқсимон гуллар атрофга ўзига хос латофат бағишлаётир.



Ушбу гўзал манзарадан баҳраманд бўлиш учун қўшни Қирғизистон, Тожикистон, Қозғоғистондан, ҳатто Россия Федерациясидан ҳам сайёҳлар ташриф буюраётганини диққатга сазовор. Бу эса павловниянинг нафақат манзарали, балки туризм учун ҳам катта имконият эканини кўрсатади.

— Павловния дарахти жуда тез ўсувчи ва юқори экологик самарадорликка эга ўсимлик ҳисобланади, — дейди вилоят Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси ходими Лочинбек Исмомидинов. — У бир йилда ўртача 3 — 5 метргача ўсиши мумкин. Энг муҳим жиҳати, бу дарахт катта ҳажмда кислород ажратиб, атмосфера ҳавосини ҳам тозалайди. Иссиқликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Дарахтнинг ёғочи енгил, мустаҳкам ва қайта иш-лашга қулай.

Андижонда павловния қўчатлари кенг қўламда экилган бўлиб, бугун вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида уларнинг барқ уриб ривожланаётганини кузатиш мумкин. Қўчалар, боғлар, маҳаллар ва ижтимоий объектлар атрофиде минглаб ана шундай дарахтлар кўкка бўй чўзмоқда.

Павловния дарахти Андижон вилоятида туризмни ривожлантириш, экологик мусофолликни таъминлаш, ижтимоий муҳитни яхшилаш ва иқтисодий салоҳиятни юксалтиришга хизмат қилаётган муҳим омилга айланмоқда. Унинг гуллаган фасли эса табиат ва инсон ўртасидаги уй-ғунлиқни яна бир бор намоён этади.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Омилкорлик

КОСОН ТАРВУЗЛАРИ ҚАЧОН ПИШАДИ?

Кўкдала тумани деҳқонлари эртагишар тарвуз етиштиришнинг ҳадисини олишган.



Эндиликда бу тажриба Косон, Чирқоқ, Қамаш туманларида кенг омалашмоқда. Жорий йилда Косон туманининг Алатўн қишлоғидеги хонадонларнинг 80 фоиздан ошиғи 40 — 50 сотихдан бошлаб, 2-3 гектаргача бўлган майдонларда эртапишар тарвуз етиштираётгани ҳам шундан далолат беради.

— Худудимизнинг асосий қисми лалмикор ерлар ҳисобланади, — дейди шу қишлоқлик деҳқон Маъруф Жумаев. — Насос ёрдамида ер остидан сув чиқариб, полиз махсулотлари етиштирамиз. Ўз томорқасида тарвуз етиштираётганлар ҳам, туман захирасидаги лалмикор ерларни ижарага олиб деҳқончилик қилаётганлар ҳам кўп.

Унинг айтишича, авваллари эртаги тарвуз етиштиришда иш февраль ойининг охирилариде бошланган. Натижанда майнинг сўнгги кунлари, июннинг бошларида бориб илк ҳосил пишиб етилган. Ҳозир эса бунга январь ойидан қиришилади. Пировардиде эса тарвуз қарийб бир ой эрта етилади.

Ташкилдаш жоизки, ўтган йилги мавсумда қашқадарёлик миришкорлар 10 миллион доллардан ортик қийматдаги тарвузни экспорт қилган бўлса, жорий йилда бу рақам янада ортиши кўтилмоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Футбол

Конго ДР — Ўзбекистоннинг ЖЧдаги гуруҳдоши

Кунини кеча ФИФАнинг 2026 йилги жаҳон чемпионатида иштирок этадиган сўнгги 6 та миллий терма жамоа номи аниқ бўлди.

Европа ҳамда китъалар плей-офф саралаш баҳсларида н кейин Туркия, Швеция, Босния ва Герцеговина, Чехия, Ироқ, Шунингдек, Конго Демократик Республикаси кучли 48 талик рўйхатидан жой олди. Биз учун аҳамиятли баҳс Мексиканинг Сапопан шаҳрида кечди. Конго ДР футболчилари ўтиш ўйинида Ямайка жамоаси билан учрашиб, асосий вақтда 0:0 ҳисобини қайд этди. Беллашувнинг қўшимча бўлим 100-дақиқасида Аксель Туанзебе урган голи авазига Африка китъаси вакиллари ўз тарихида иккинчи бор жаҳон чемпионатида катнашадиган бўлди. Конго ДР мундиалнинг "К" гуруҳида Ўзбекистон, Португалия ва Колумбия терма жамоалари билан ўйнайди.

АҚШ, Канада, Мексика яшил майдонлариде кечадиган жаҳон чемпионатининг китъалар қисмини қуйидагича кўришни олди: Европа (16 та жамоа), Африка (10), Осиё (9), Жанубий Америка (6), Шимол-ий Америка (6), Океания (1).

«Халқ сўзи».

ЭКОЛОГИЯ — ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

Сўнгги йилларда аҳолининг жамоат ва ижтимоий аҳамиятга эга жараёнларни бошқаришда иштирокчини кенгайтиришга қаратилган давлат сиёсати янги босқичга кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан давлат органлари хузурида Жамоатчилик кенгашлари шакллантирилгани бу борада ташланган энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бинобарин, барча вазирилк ва идораларда 2018 йилда Жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффоғлигини ошириш, жамоатчилик назоратини ривожлантириш ҳамда давлат тузилмалари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида барқарор мулоқотни шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим элементига айланди.

Мушоҳада

Мустаҳкам кўприк

Глобал иқлим ўзгаришлари, антропоген юктамаларнинг ортиши ва барқарор ривожланишга ўтиш зарурати кучайиб бораётган ҳозирги шароитда фуқаролик жамиятининг фаоллиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки жамоатчилик ташаббуслари давлат ва аҳоли ўртасида муҳим кўприк бўлиб, экологик маданиятни шакллантириш ва табиий ресурсларга масъулятли муносабатни қарор топтиришга хизмат қилади. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг роли, айниқса, ортиб бормоқда. Зеро, у ўтган қисқа даврда очик мулоқотни таъминлаш орқали жамоатчилик фикрининг қабул қилинаётган қарорларда акс этишида жонбозлик кўрсатиб келаётган демократия институтига айлана олди.

Дарҳақиқат, Жамоатчилик кенгаши биргина "Ekomaktab" билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида Йўқолиб кетиш ҳафти остида турган ёввойий фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция, "Биологик хилмаҳиллик тўғрисида"ги конвенция, Базель конвенцияси, Озон қатлами бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи, БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадди конвенциясининг Киото протоколи ва бошқа халқаро ҳужжатлар доирасида қабул қилинган экологик мажбуриятларни бажаришга кўмаклашиб келмоқда. Бундан ташқари, ахборот-маърифий ва услубий ишларга ҳам катта эътибор қаратилиб, 20 дан ортик ўқув

ва услубий қўлланмалар нашр этилди, бошланғич ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун ўндан зиёд экологик адабиётлар чоп қилинди. Мактабгача таълим муассасалари ходимлари учун бошланғич экологик тарбия бўйича парциал дастур ишлаб чиқибли, амалиётга жорий этилди.

"Ekomaktab" сай-ҳаракатлари билан экологик таълимни ривожлантириш, жамоатчилик фаоллигини ошириш ва биохилмаҳилликни сақлашга қаратилган 50 дан ортик эколойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди.

Институционал ва ташкилий кўмак

Жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат органлари томонидан кўрсатилган тизимли институционал ва ташкилий қўллаб-қувватлаш билан узвий боғлиқ. Шу маънода, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан Жамоатчилик кенгашига Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши ўрганиш университети (Green University) базасида тўлиқ жиҳозланган иш кабинети ажратилиб, таҳлилий ва эксперт фаолиятини олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани диққатга сазовор. Чунки бу давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, таҳлилий ва эксперт фаолиятини олиб бориш, долзарб масалалар юзасидан тезкор мажлис ва ишчи учрашувлар ўтказишда қўл келаяпти.

Шу билан бирга, қўмита ташаббуси билан нафақат кенгаш аъзолари, балки экофолларга махсус адабиётлар, услубий ва ахборот материаллари мунтазам етказиб берилмоқда. Энг муҳими, кенгаш аъзоларининг барчаси фаолиятда фойдаланиш учун планшет қурилмалари билан таъминланди. Бу маълумотларни тезкор олиш ва таҳлил қилиш, сайёр тадбирлар натижаларини қайд этиш ҳамда иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Қўмита раҳбарияти томонидан Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг касбий компетенцияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинапти. Буларнинг барчаси давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали ҳамкорликнинг яққол намунаси сифатида мамлакатимиз экологик фаолиятининг очиклиги, шаффоғлиги ва натижадорлиги ошишида муҳим омил бўлаётди.

Соғлом муҳит кафолати

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан 2025 йил куз-қиш мавсумида Тошкент шаҳрида экологик ҳолатни тизимли ўрганиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, кенгаш аъзолари атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари ва шаҳар муҳитининг умумий экологик ҳолатини жойлар чиққан ҳолда ўрганишди.

Мониторинг тадбирлари давомида, асосан, Тошкент шаҳри атрофиде жойлашган туманлардаги айрим ҳўжжали юртиш субъектларига қарашли иссиқхоналарда экологик талабларга зид ёқилми ёқуш ҳолатлари аниқланди ҳамда тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди. Ўрганиш жараёнида дарахтлар кесилиши ва яшил худудлар қисқариши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам эътибор марказида бўлди. Шу асосда экологик барқарорликни таъминлаш юзасидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди. Ҳаво сифатини ёмонлаштираётган манбалар белгиланиб, профилактик чора-тадбирлар юзасидан тавсиялар берилди.

Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг фаоллиги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш жараёнида ҳам

кўзга яққол ташланмоқда. Хусусан, Вазирилк Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги "Коммунал ҳўжалиги тизимиде табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида оқова сувларни қабул қилиш қондилари ҳамда коммунал-иқтисодий меъёрларни тақомиллаштириш юзасидан асосланган тақлифлар ишлаб чиқилди.

2025 йилда атроф-муҳитни ифослан-тирганлик учун тўловларни ҳисоблаш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиб ва амалиётга жорий қилиш ишлари ҳам Жамоатчилик кенгаши экспертлари фаол иштирок этди. Шунингдек, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси хузуридаги ишчи гуруҳ таркибиде "Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қўнун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам жонбозлик кўрсатилмоқда.

Жамоатчилик назоратининг амалий самараси аҳоли муурожаатларига тезкор муносабатда намоён бўлмоқда. Пойтахт-тимизнинг Сергели тумани 7 ва 8-даҳалари аҳолисининг шу худуддан оқиб ўтувчи канал санитар ҳолати бўйича муурожаати белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, масъул хизматлар иштирокида канал ўзани ва соҳил худуди тозаланди. Ушбу ҳолат жамоатчилик назорати муурожаатдан то натижагача бўлган самарали механизм эканини амалда яна бир бора тасдиқлади. Зеро, экология, ҳақиқатан ҳам, жамоатчилик ишидир. Буни қалбдан ҳис этган бой ҳаётини ва экологик таърибга эга табиат ошуфта-лари эса ушбу хайрли ишга амалий мазмун бағишлайди.

Демак, Жамоатчилик кенгаши ва назорати — бу фақат қузуват эмас, балки қўнунчилик ташаббуслари, таҳлилий ёндашув ва амалий чоралар орқали ёндош, ҳавфсиз ва барқарор экологик муҳитни таъминлашга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Эшдават СУВОНОВ, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари, «Qalb ecologyasi — Экология души» ННТ раиси.

Тошкент вилоятидаги Оҳангарон давлат ўрмон ҳўжалигига қарашли «Овжасой» участкасининг 9,2 минг гектар ер майдонида «Овжасой — Мовий тоғлар» миллий табиат боғи ташкил этилади.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and a QR code for more information.